

Савол: Кайси кишининг огиз суви нажас хисобланади?

Жавоб: Ўликнинг огиз суви нажас хисобланади. Бу хукм «Бахрур-роик»да очик баён килинган. Аммо ухлаётган кишининг огиз суви покдир. «Жомеул музмарот»да: «Ухлаётган кишининг огиздан суви окиб кийимига тегса уни нопок килмайди, чунки у покдир. Бу сувнинг кориндан келгани ё огиздан келгани ҳам баробар покдир. Чунки огиздан чикадиган сув балгамдан пайдо бўлади. Шунга кўра, у олдин кандай бўлса, ўшандай пок бўлади. Шунга фатво берилган. «Кубро»да шундай келган.

Савол: Кайси тўнгиз пок хисобланади?

Жавоб: Денгиз тўнгизи покдир. У каби барча денгиз хайвонлари ҳам покдир(Яъни, денгиз хайвонлари пок, аммо улар ичидан балиқдан бошқасини ейиш халол эмас). Бу хукм «Куня»да «Шарху Кудурий»дан ва «Фатаво Абул Фазл Кирмоний»дан накл килинган.

Савол: Кайси маний пок хисобланади?

Жавоб: Инсондан, ит ва тўнгиздан бошқа хайвонларнинг манийси пок хисобланади. Бунда уларнинг гўшти ейилмайдиган ё ейилмайдиган бўлишининг фарқи йўқ. Ит ва тўнгизнинг манийси нажас эканига барча уламолар иттифок килганлар. Мана шу энг тўгри хукмдир. Баъзи уламолар: «Барча хайвонларнинг манийси нажас хисобланади», деганлар. Баъзи уламолар: «Гўшти ейилмайдиган хайвонларнинг манийси пок бўлади, бошқалариники эса нажас бўлади», деганлар. Жунфурий рахматуллохи алайх «Хидоя»нинг хошиясида шундай деган.

Савол: Кайси хайвоннинг терлаган тери нажас хисобланади?

Жавоб: Ахлат ейдиган сигирнинг терлаган тери нажас хисобланади. «Жомеур-румуз»да шундай келган. Бу хаки-даги хукмлар унда батафсил келган.

Савол: Қандай инсон нажас хисобланади?

Жавоб: Кофир майит нажас хисобланади. «Бахрур-роик»да шундай келган.

Савол: Бадандаги кайси намлик нажас хисобланади?

Жавоб: Имом Абу Юсуф ва имом Мухаммад рахматуллохи алайхларнинг хукмларига кўра, ташки фарждаги намлик нажас хисобланади. Абу Ханифа рахматуллохи алайхнинг хукмларига кўра, у ҳам бадандаги бошқа намликлар сингари пок хисобланади. «Дуррул мухтор»да шундай келган.

Савол: Қандай инсоннинг сўлаги нажас хисобланади?

Жавоб: Хамр<sup>1</sup> (маст килувчи ичимлик) ичган кимсанинг пчган пайтдаги сўлаги нажас хисобланади. Аммо сўлагини уч марта ютса, Абу Ханифа рахматуллохи алайх наздларида унинг огзи пок бўлади. Чунки у зотнинг наздларида суюк нарса покланиши учун унга ташқаридан пок нарса куйиш шарт эмас. «Мажмаул анхур»да шундай келган.

Абдулхай Лакхнавийнинг  
"Нафъул муфтий" асари таржимаси ва изохлари